




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 5 май, № 88 (4241) Шанба

Халқда "Ёшларга берилган бугунги тарбия, эртанги ёруғ келажак" деган нақл бор. Зеро, ёш авлодни илмли, хунарли, ҳар тарафлама етук инсон этиб тарбиялашда хосият кўп. Чунки келгусида юрт шон-шухратини юксакларга кўтарувчилар ҳам айнан улардир.



## ТОҒ ЭТАГИДАГИ МУҲТАШАМ КОЛЛЕЖ

Янгиқўрган тумани Исковот қишлоғидаги 720 ўринли Озиқ-овқат саноати касб-хунар коллежининг ўқувчилари 8 та йўналиш бўйича таълим олишмоқда. Уларга 50 нафар умумтаълим ва 19 нафар муҳандис-педагоглар илм ва хунар сирларини кунт билан ўргатишмоқда. Махсус фанлардан дарсликлар, бадиий, сиёсий адабиётлар, электрон ва ўқув-услубий қўлланмалардан ташкил топган 6213 та китобдан иборат кутубхона фонди эса ўқувчиларнинг билимларини оширишда муҳим омил бўлаётди. Эътиборлиси, ўқувчилар олаётган назарий билимларини амалиётда мустақамлаб боришмоқда. Хусусан, коллеж жамоаси Польша ҳукуматининг гранти асосида ўқув масканининг ўзида томат пастаси, кетчуп, мурabbo маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мўъжаз цехни ишга туширди. Цех соатига 300 килограмм помидорни қайта ишлаш қувватига эга.

**СУРАТЛАРДА:** касб-хунар коллежининг умумий кўриниши; ўқувчи Гуллола Акбарова машғулот пайтида. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



## ОЗОД ЮРТНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шухрат» медаллари таъсис этилган кун.


Истиқлол йилларида давлати раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда миллий давлат мукофотлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва олий нишон — "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат", "Шухрат" медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Истиқлол йилларида давлати раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда миллий давлат мукофотлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва олий нишон — "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат", "Шухрат" медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Тарихдан маълумки, ажодларимиз Ватан озодлиги ва эрки йўлида мардонавор кураш олиб борган. Ота-боболаримизнинг асрий оруз-умидлари — истиқлолимиз халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Шу боис давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири "Мустақиллик" номи билан аталишида катта рамзий маъно бор.

"Мустақиллик" ордени икки ён бағридан зарҳал нур таралган саккиз қиррали мусамман қўринишда. Орденининг марказида мустақиллик рамзи бўлиб Ҳумо қуши тасвирланган. Мазкур ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустақамлашга, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган юртдошларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Мустақиллик шарофати билан халқ эрки ва Ватанимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номлари қайта тикланиб, хотиралари абадийлаштирилди. Улар қаторида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида қатъонга учраган буюк адиблар Абдулла Қодирий ва Абдулхамид Чўлпон ҳам бор. Президентимиз Фармонларига биноан миллий озодлигимиз йўлида қўрсатган матонати ва буюк хизматлари учун 1994 йили Абдулла Қодирий, 1999 йили эса Абдулхамид Чўлпон "Мустақиллик" ордени билан тақдирланди.



«Ўзбекистон Қаҳрамони»нинг «Олтин юлдуз» медали



«Мустақиллик» ордени



«Дўстлик» ордени



«Жасорат» медали



«Шухрат» медали

(Давоми 2-бетда).

## МЕҲР ВА ҚАДР БАҒРИДАМИЗ

— Ёшлик даври бошқача бўлади ва одамнинг ёдидан сира кўтарилмайди. Урта мактабни битириб, олий ўқув юртига кириб ўқиётганим. Бироқ, ҳаётнинг менга раво кўрганлари орзуларимдан бошқачароқ экан. Бирдан уруш бошланиб қолди ва мен жангга кетдим. Шу кетганча 1945 йилнинг баҳорида қайтиб келдим. Кейин тикланиш йиллари оғирликлари ва тирикчилик таъбишларига қарамасдан ўқишни давом эттирдим.

чиги ҳурмат-иззатимизни жойига қўяди. Кунни кеча Юртбошимизнинг наватбади — «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ни ўқиб, беҳад хурсанд бўлдим. Бундай эътибор руҳимизни янада тетиклашти-



ёдлайман, хаёлан сўхбатлашаман. Пойида гуллар тўшалиб ётган «Мотамсаро она» ҳайкали ўғлонини урушдан омон-эсон қайтишини жон

ҳовулаб кўтиб яшаган меҳрибон оналарнинг худди ўзгинаси.

Бугунги ёшларга жуда ҳам ҳавасим келади. Уларнинг меҳнат қилишлари ва илм олишлари учун барча шарт-шароитлар мўъжай. Биз буларнинг ёшида қон кечиб умр ўтказгандик. Қўрганимиз жанг майдони бўлди. Кўпчилик ўзга туپроқларда қўнм топти. Шуларни уйлаганимда, ёшларни тақдирини урушдан қайтаётган юртнинг келажаги порлоқ эканлигига ишонч ҳосил қиламан. Мана шундай Ватанимиз қадрига етмоқ, ёмон кўзу нафаслардан асрамоқ, эртаси учун фидойиларча хизмат қилмоқ ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунидир.

Дунёнинг ҳеч бир юрти уруш оловидан ёнмасин!

**Машраб ОРТИҚҲҲҲАЕВ,**  
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.  
Тошкент шаҳри.

### Шукрона

риб юборди. Хуллас, даврларнинг тўри бизники. Хотира майдони дилкаш сўхбатдошимизга айланган, десам ишонаверинг. Нафақат Хотира ва қадрлаш куниди, балки ойда бир бор ўзимга яқин дўстларим билан у ерга бориб, жанг майдонларида душманга қарши бирга курашган қуролдошларимни

Низомий номли педагогика университетида 52 йил давомидида ёшларга сабоқ бердим.

Бугун ўғил-қиз фарзандларим, келинларим ва набираларим даврасида кексалик гаштини сурмоқдаман. Президентимизнинг уруш қатнашчиларига қўрсатилган ғамхўрлиги туфайли ҳаммизга меҳр-оқибату қадр бағрида ҳар томонлама ҳимоядамиз. Аввало, давлатимиз томонидан ажратилаётган катта маблағ ҳисобидан соғлигимизга доимий равишда эътибор берилмоқда. Республикаимизнинг турли бурчақларида жойлашган профилакторий ва санаторийларда бепул дам оламиз. Шунингдек, яшаш жойимиздаги поликлиника шифокорлари биздан ҳаммизга кўз-қулоқ бўлиб, хабар олиб туришади. Тиббий назоратни бир кун ҳам кечиктиришмайди. Бепул доридармон билан таъминлашади. Маҳалланинг каттаю кичи

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### «СПОРТ ОЛАМИ — 2007»

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» мажмуҳонаси кўرғазмалар залида «Спорт олами—2007» 2-халқаро ихтисослашган кўрғазма иш бошланди.



— Ўзбекистон боксчиларининг халқаро майдонларидаги ғалабаларидан яхши хабардоримиз,— дейди бокс кўпқолапи, муҳофаза шлемлари, дзюдо, каратэ кийимлари ишлаб чиқарадиган «Tuscon» компанияси вакили жаноб Шаҳид Салеев Мирза.— Компаниямиз маҳсулотлари дунёнинг унлаб мамлакатларида сотилади. Бокс кўпқолапи ва ҳимоя шлемлари пухта ва сифатли бўлгани учун жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинларида ҳам ишлатилмоқда. Бу кўрғазмада биринчи марта қатнашяпмиз. Компаниямиз маҳсулотлари ўзбекистонликларга ҳам манзур бўлишига ишонамиз.

**3. ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи»  
мухбири.  
Т. ҚУРБОНБЕКОВ  
олган сурат.

### Янгиқўрган туманидаги банк-роғта учраган «Зухал» тикув-тукув фабрикаси негизини «ЯнНамтекстиль» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

### Корхонанинг иккинчи умри

Тадбиркорлар Зайниддин Ақромов ва Тохиржон Мамадалиев бу корхонани модернизациялаш учун катта миқдорда сармоя сарфлашди. Ҳозир бу ерда 60 та янги дастохни ўрнатиш ва созлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

«ЯнНамтекстиль» йилига уч минг тонна пакта толасини қайта ишлаш, ундан кийим-кечаклар тикиш қувватига эга. 78 киши меҳнат қилмоқда. Йил охиригача ишчиларнинг сони 300 га етди.  
**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**  
«Халқ сўзи»  
мухбири.


### ЧЕХИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ярослав Башта раҳбарлигидаги делегация аъзолари 4 май кунини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музоқара ўтказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқалар ўзаро манфатдорлик асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Чехия давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 1997 йили расмий ташриф билан Чехия Республикасида бўлган эди. 2004 йилда эса Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус Ўзбекистонга келди. Ушбу самитларда қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланган, жумладан, ташқи

### Бременда Ўзбекистонга бағишланган ахборот кечаси

Германиянинг Бремен шаҳрида Ўзбекистонга бағишланган ахборот кечаси бўлиб ўтди. Тадбир Германияда истиқомат қилувчи ўзбек миллиятига мансуб аҳоли вакиллари гуруҳининг ташаббуси билан мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.  
Кечда Бремен шаҳрининг жамоатчилик, илмий ва педагогика доиралари вакиллари иштирок этди. Анжуман доирасида БМТнинг «Болалар ҳаёти учун фойдали дунё» Декларацияси ҳамда ҳаракат дастурининг тақдироти бўлиб ўтди.  
Иштирокчилар эътиборига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, ўзбек халқининг қўна тарихи, бой маданияти ва аънаналари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди.  
**«Жаҳон» АА**  
Берлин.



Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довуғини бутун дунёга таратган, мингнинг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.  
Ислоҳ **КАРИМОВ.**

## ОЛАМ САЙҚАЛИ

«Ҳамма йўллар Римга элтади»... (Эски ғоя)

Самарқанд — оламнинг сайқали, кўрки, Самарқанд — кимга дарс, кимгадир сабоқ. Қайтадан ўзини топади, кўрки, Шаҳримга ошқар юз минглаб сайёҳ. Бир замон чорасиз, яъни бечора Халокат домида ётганда гаранг Темурбек кирганди жонига оро — Гўри Мир қошида таъзимда фаранг. Сайёҳлар оқади — чорлар тарона, Кўзларда қувончга қоришиқ хайрат. Сирли ва сеҳрли куй — Сўғдиёна, Бобосин қисматин эслатар, албат. Зўрнинг дастидан зор жер ёқасида. Ултимтик қидирар муаллақ калхат... Афросиёб — тарих чорраҳасида — Тақдирин белгилаб олар халқ, давлат. «Мағлубнинг холи вой» — гурдаяр юнон, «Йўл бўлсин — чўл бўлсин» — пишқирар мўғул. Куч адолатдадир, дер соҳибқирон, Замин — она бизга, барчамиз ўғил... Колизейда Қайсар ваҳшатга тўлиб,  
Рим йўллари ҳам — Бугун Самарқандга олиб боради». Замин айланади, югурар замон, Демангнинг, беҳуда вақт кетаётди. Буюк Амир Темур даҳоси ҳамон Қалб ва шуурларни фатҳ этаётди!

Бетга қаранг.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Фахрийлар — фахримиз

Инсон хотираси азиз ва муқаддас. Дунёдан ўтганлар ёдини унутмаслик, ҳаётларини эл-юрт тинчлиги, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилишга бағишлаган табаррук отахон-онахонларимизнинг хурматлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.



Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда мамлакатимиз матбуоти ривожига ҳисса қўшган меҳнат фахрийларини шарафлаш маросими ўтказилди. Таъдбирда сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари мамлакатимизда нуронийларга бўлган эътиборни намун эканликларини билдиришди. Ўзбекистон Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ва унда белгиланган таъдбирлар ҳусусида алоҳида тўхталишди, уларига кўрсатилаётган ҳамжўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик сўзларини айтишди.


## Сув таъминоти яхшиланди

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Хўжамайхона бўлоғидан 24 километр масофага қувур тортибди, Мунчок, Обигир, Тиллакамар, Панжоб ва Чилонзор қишлоқларига тоза ичимлик суви келтирилди. ффа

Қурилиш ишларини вилоят "Сув оқва" ишлаб чиқариш бошқармасининг Жарқўрган участкаси бунёдкорлари амалга оширди.

Тоза ичимлик суви танқислигидан қийнаётган эдик, — дейди Чилонзор қишлоғида меҳнат фахрийси Эшболта Мустафақуллов. — Бу муаммони ҳал қилишда қишлоқларимиз аҳолиси ҳам фаол қатнашди. Қувурларни ётқизиш учун хандак казишда хашар ташкил эдик. Энди қишлоқларимиз ичимлик суви билан улуғсиз таъминланади. Бундай қулайлиқни яратишга ҳисса қўшган соҳоватпеша инсонлардан миннатдоримиз.

## Плёнкадан — қувур



Қорақалпоғистон Республикасидаги "Орол" савдо-ишлаб чиқариш фирмасида ишлаб чиқарилаётган жинси матолар маҳаллий бозорда аллақачон ўз харидорини топган.

Энди қда бу ерда чикинди плёни задан пишиқ, замонавий полиэтилен қувурлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Қалинлиги 15, диаметри 100 милли-

метрча бўлган бу маҳсулот ҳам истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Хозиргача 41 миллион сўмлик дунёда қувурлар сотилгани бунинг далилидир.

## 95 фоиз маҳсулот — хорижга

Избоскан туманидаги Тўртқўл қишлоғида жойлашган пойабзал фабрикаси бозор иқтисодиёти таллабига бардош беролмай, инкирозга юз тутган эди. 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ҳисобига бу корхона тўла модернизация қилинди. Натيجида 230 нафар маҳаллий ёш ўзининг қадрдон ишончасига қайтди.

## Фермер аёллар билан мулоқот

Қашқадарё вилоятининг ахборот-кутубхона марказида "Фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб муаммолари" мавзусида ташкил этилган семинар-мулоқот қизқаргли ўтди.

Унда тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳузуридagi Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон фермер ҳўжалиқлари уюшмаси вилоят филиали, "Пахтабанк" вилоят бошқармаси вакиллари фермер аёллар билан бевосита мулоқот қилди. Бундан ташқари, тадбирда вилоятдаги хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган илғор фермер ҳўжалиқларининг тажрибаси чуқур таҳлил этилиб, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

## Ҳазораспда маҳорат мактаби

Иқтидорли ёшларга рассомчилик, хусусан миниатюра жанри сир-асрорларини ўргатиш мақсадида Ҳазорасп туманида "Мусаввир" ижод уйи ташкил этилди.

Чарм, ёғоч ва ипак қоғозга ишланган нафис миниатюра асарлари билан мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги кўргазмаларда совринли ўринларни кўлга киритиб келаётган Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, хоразмлик Қурамбой Матмуродов бу ишга бош-қўли бўлди.

Бу ерда ҳар йили ўнлаб шогирдлар нафис санъат тури бўйича билим ва маҳоратини оширади. Улардан бири — Умарбек Ражабов Чехияда ўтказилган "Жаҳон ёшлари санъати" фестивалида олтин, Ҳиндистонда ёш рассомлар ўртасида ўтган халқаро танловда қумуш медаль соҳиби бўлди. Ундан зиёд ўмидли ёшлар эса бугунги кунда рассомчилик ва дизайн йўналиши бўйича олий ўқув юртиларида тахсил олмақда. — Ёшларимиз орасида истеъдод эгалари кўп, — дейди К. Матмуродов. — Юртимизда ёшлар иқтидорини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга жиҳдий эътибор қаратилганлиги янада қубулланган. Бу хайрли ишга мен ҳам ўз ҳиссамини қўшаётганимдан мамнунман.

"Халқ сўзи" ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда бошқа жаҳонлар қатори боқий қадриятларимизни тиклашга ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, 9 май Президентимиз Фармони билан Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди. 1999 йилдан эътиборан уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасига, барча Ўзбекистон фуқароларининг ор-номуси, виждон иши ва маънавий бурчига айланди.

# АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИГА САДОҚАТ

Тўғри, 9 май шўролар замонида ҳам тантана қилинарди. Бироқ у шайхонларнинг хотирлаш, тирриклари эъзозлашдан кўра, кўпроқ собиқ иттифоқнинг ҳарбий қудратини жаҳонга кўз-кўзловчи тадбирга ўхшаб кетарди. Эндиликда эса бу айёмнинг қамрови кенгайиб, маъно-моҳияти бутунлай ўзгарди. Мазмунан тегин, чинакам миллий, тамоман янгича байрам тусини олди.

Зеро, 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб белгилаш асосида унча эзу ниҳат қўзда тутилганди. Ававало, иккинчи жаҳон урушига ўша пайтда 3,5 миллион аҳолига эга Ўзбекистондан 1,5 миллион киши сафарбар қилинганди. Уларнинг қариб учдан бир қисми бевосита жаҳон майдонларида ҳалок бўлдилар. Фашизм лагерларида жон таслим этганлари, бедарак йўқолганлари, асирликда қайтган, ём-ғирдан қочиб дўлга тутилгандек, "халқ душмани"га чиқарилганлари, Магадан қаторларида, Колима ўрмонларида вафот этганлари ҳам сон-саноксиз эди. Холбуки, бу қурбонларнинг ҳар бири орзу-хаваси бор одам, ҳар бири ўзига хос бетакор олам эди. Қолаверса, улар, Юрбтомизнинг алоҳида уқтирганлик, қандайдир номсиз тепалиқлар, бегона мамлакатлар учун номсиз аскар бўлиб жангга қирмаганлар, балки жонжон ортумиз эозд-лиги ва мустақиллиги учун курашганлар. Ҳар сафар киндик қони тўкилган шаҳар-қишлоғи, муштирап онаси, суюкли ёри, ширин-шакар фарзандлари тақдирини ўйлаб қўлга қурол олганлар. Шу маънода, уларнинг номларини, тарихини ҳошларини, насл-насабларини аниқлаш ва абадийлаштириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз эди. Худди шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1995 йили — Ғалабабинг ярим асрига шарафига МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда 35 томдан иборат Хотира китоблари чоп этилди. Кейинчалик пойтахтимизнинг қўл марказида Хотира майдони қурилди. Ундаги мухташам лавҳаларга 400

## 9 — Хотира ва қадрлаш куни



инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган она-Ватанимизнинг рамзий тимсоли сифатида қад ростилади. У Она бўлиб, Ватан бўлиб барчамизни ҳўшёрликка қорлайди. Дориломон кунларимизни қадрлашга, одамқушликка зинҳор-базинҳор йўл қўймасликка ундайди. Хайкал пойига битилган "Сен доимо қалбимдасан, жигарим", мангу олов теграсидаги "Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахту садодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси хамиша барҳаётдир" деган сўзлар эса жасорату матонат ҳеч қачон унутилмаслигини ифодалайди. Инчунин, бу муқаддас даргоҳга қандам қўйган ҳар бир инсон, у хоҳ юртдошимиз, хоҳ хорижий меҳмон бўлсин, Юрбтомиз аввал-бошдаёқ озулағандек, бизнинг аждодларимизга, фидойи жангчиларимизга кўрсатаётган эхтиромимизга тин бериб, ҳавас қилмоқда. Эл қатори марҳумлар хотираси олдида таъзим баҳо айламоқда.

Иккинчи мақсадимиз — бугун ҳам орамизда ҳаёт бўлган уруш иштирокчиларини, фронт ортида мардонавор ишлаганларини, айникса, қирғин-барот тўфайли сеvimли фарзандларидан жудо бўлган муштипар момоларимиз

хурматини жойига қўйиш эди. Чунки вақт ўз ишини қилапти, фахрийларимиз сафи тобора сийрақлашиб бораёпти. Масалан, 1999 йил баҳорда юртимиздаги уруш қатнашчилари сон 67840 нафарни ташкил этган бўлса, бунроғи йил 33572 нафарга, бултурс эса 22251 нафарга тушиб қолди. Боз устига, уларнинг энг

ми осонликча битмайди. Унга бева-бечораларнинг оҳ-зорлари, етим-есирларнинг кўз ёшлари, фарзанди доғида қуйган ота-оналарнинг армонлари улашиб кетади. Бунинг башариат аҳли жудо яхши билади, жудо яхши тушунади. Шунга қарамай, ер юзида ҳамон уруш оловини ёқмоқчи бўлганлар ва ёқаётганлар ҳам

кўллаб топилади. Уларнинг йўлини тўсиш учун ҳар биримиз оғоҳ, сезгир ва ҳўшёр бўлишимиз, энг аввало, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз керак. Шунингдек, Истиқлол натижасида эришган ютуқларимизни янада ривожлантириб, бошқалардан ўзиб кетишимиз жоиз. Давлатимизнинг жаҳонда, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини тегин анг-лаб етмоғимиз ва қўллаб-қувватламоғимиз даркор. Ёшларимиз эса тарихимизни чуқур-пuxта ўрганишлари, буюқ ўттишимиз, мутафаккир алломаларимиз билан гуфурланиб яшашига одатланишлари, ён-атрофда рўй бераётган ноҳус воқеалардан тўғри сабоқ чиқариб олишлари шарт. Бу ўринда кесаларимизнинг бой тажрибаларидан фойдаланиш ҳам жудо муҳим. Чунки нуроний отахонлар, фариштасифат онахонлар оқиб турган дарёга ўхшайдилар. Қари билганимиз — пари билмайди. Энг муҳими, марҳумларини хотирлаган, тарихини улуғлаган, кесаларини авайлаган, бир-бирини суяган миллатнинг йўли ойдин, келажакга ёрқин бўлади. Хотира ва қадрлаш тўғрисида барқарор жойда инсоний фазилатлар жўш уради, росмана тараққиётга эришилади.

Ғалабабинг 62 йиллиги яқинлашаётган айни кунларда мамлакатимиз Бош майдони янада гавжумлашмоқда. Унга ташриф буюрганлар Эгулик аркасидадан ўтиб, аввал Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилдилар. Сўнгра Хотира майдонига бориб, ўтганларни ёдга оладилар. Пирозарда бу ердан рухан покланиб, кўнгиллари шодланиб, бир олам таассурот билан қайтадилар.

Биз учун марҳумлар хотирасини эъзозлаш хамиша савобли иш, тирриклари қадрлаш муқаддас бурч бўлиб қолади. Президентимиз айтиганидек, ўзлимизни англаш, тарихий-миллий қадриятларимизни тиклаш борасида қилаётган бошқа ишларимиз қатори кўпмиллатли халқимизни бирлаштириш учун хизмат қилади.

Абдунозир ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

## Фармон ва ижро

# ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Мамлакатимиз иқтисодий-технологик жихатда мутаносиб суриятларда ўсиши, бу соҳада таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, энг муҳим тармоқларни техник ва технология жихатда янгилаш, солиқ сибсатини янада эркинлаштириш буғунги куннинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айни шу мақсадларни кўзда тутади. Бу ҳужжатга кўра, ҳўжалиқ юритишчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлаша йўналтирилган маблағлар миқдориди, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдалан олинганидан солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилди.

Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технология жиҳозлар эса беш йил муддатта мулк солиғидан озод этилади. Солиқ тортишининг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналар учун беш йил давомиди ягона солиқ тўлови тўлаша солиқ тортиладиган базани харид қилинган янги технология жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиққа тортиш имтиёзлари белгиланди.

2007 йил 1 апрелдан бошлаб, шунингдек, юртимизга олиб кириладиган технология жиҳозларга, тегишли тартибда тасдиқланган рўйхатга мувофиқ, қонунчиликда кўзда тутилган божжона тўловлари бўйича ҳам имтиёзлар берилди.

Хозирги кунда солиқ идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида ана шу имконият ва имтиёзларнинг мазмун-моҳияти кенг тўлиқнирилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари эса улاردан кенг фойдаланиш мамлакатимиз ишлаб чиқариш салохиятини янада оқсалтиришни ҳисобга олиб, корхоналарни замонавий ускуналар, бозор талабига қараб тез ўзгаришчи мумкин бўлган илҳам технологиялар билан жиҳозлашга эътибор қаратмоқдалар.

А. КАТТАБЕКОВ, Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

# ОЗОД ЮРТНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва эллат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Конституциямизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида бarcha фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирми, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенгдилар.

Шу жиҳатдан "Дўстлик" ордени билан мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, юртимиз фуқароси бўлмаган шахслар Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва эллатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари ҳам изматлари катта. Президентимиз Исом Каримовнинг Фармонига мувофиқ Нукус шахсининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, юртимизда яшаётган барча миллат ва эллатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари ҳам изматлари катта. Президентимиз Исом Каримовнинг Фармонига мувофиқ Нукус шахсининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, юртимизда яшаётган барча миллат ва эллатлар ўртасидаги дўстлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари ҳам изматлари катта.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий ҳафсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш

да, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун ўнлаб юртдошларимиз "Жасорат" медали билан тақдирланди.

"Шўхрат" медали билан эса мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлоднинг ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришган кишилар тақдирланди.

Ватанимизнинг ўз давлат мукофотлари, ордени ва медаллари, фахрий унвонларининг таъсис этилиши катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга воқеадир. Зеро, улар Юрбтомиз таърифлагандек, "Халом ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир".

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

## Танлов



# ИЛК САРМОЯ — ЮКСАЛИШГА ДОИЯ

Пойтахтимиздаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида фермер аёлларга микрокредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди"нинг "Бизнесга ўргатиш ва микрокредитлар тақдим этиш йўли билан Ўзбекистонда аёллар фермерлигини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида ўтказилди. "Меҳр нури" жамғармаси ва "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда фермер аёллар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Анжуманда таъкидланган

нидек, мамлакатимизда барча соҳаларда фаолият юритаётган юртдошларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши саналади.

Танлов комиссиясининг ҳулосасига кўра, ўз фаолиятини эндиғина бошлаган 70 нафар фермер аёлнинг ҳар бирига ўртача 500 000 сўмдан маблағ олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Дам олиш кунини кўп йиллик қадрдонлар билан йиғдиорлашиш, шу билан бирга, табиат яратган гўзалликдан баҳра олиш ниятида Фориш туманининг довои ортидаги Ҳасан ота қишлоғига йўл олдик. Айни лалим ерлар сувга ташна бўлиб турган дамлрда босиб-босиб ёққан ёмғир бу жойларда оби раҳмат сифатида заминга сингиди.

# ОБИ РАҲМАТ ЁФИЛГАН МАСКАН

Атрофда баҳмал каби ястанган ям-яшил ўнгирлар офтоб нурида ажиб товланади. Тиззани бўйлабидиган ўлтоқзор, унинг ажиб манзараси, бу ердagi ўлтоқзор айтишича, кўп йиллардан буён энди намоен бўлибди.

Бутун урмини қўй-қўзи ортида ўтказётган Аббор ака Жумаев меҳмонларни очик кўнгил билан қутиб олди. Ана манзараю мана манзара!

— Хорманг энди, кайфиятигиз қандай? Йил қандай келди? — сўрашди асосида юзландик кекса чўпонга.

— Бутун халқинг димояи чоғ. Президентимиз "Яхши йил Наврўзидан маълум" деганларидек, бу йил жудо берди. Фақат бандаси уни саришта қилиб олса кифоя.

Хонадон соҳибининг кайфияти бизга ҳам кўчи. Йўл-йўлакка табиат хусну жамолига махлиё бўлиб келаётгандик. Шу заминни бунёдкор қўллари билан яшнатётган одамлардаги кўтаринчиликни кўриб руҳимизга қувонч инди.

Бу соҳаватпеша инсон билан, мана, йигирма йиллардан буён қадрдонимиз. Баъзи қариндошлар ҳам шунчалик яқин бўлмаса керак. Ташкентга бориб қолса, албатта, бизни йўқлайди. Юртимизда амалга оширилаётган илохотлар, рўй бераётган воқеалар ҳақида битта-битталар сўрайди. Бағри кенг, мард, танти инсонлар ўзи шумак бўлади.

Кийик ўти қўшиб даманган кўк чойдан ҳўлар эканмиз, сўбатимиз кўр олади. — Ташкентлар тинчми? — сўрайди Аббор ака. — Пойтахт — мамлакатнинг юраги. Телевизор оркали содир бўлаётган янгиликларни кўриб хурсанд бўлиб ўтираемиз. Илгарилари орау қилолмаган аломат ишлар бўляпти. Бундан бутун элу халқ мамнун эканлигини газетга дадил ёзишлар. Битта-яримта махмадонларнинг оғизга уришимиз керак. Ҳамамо соҳада илохотлар яхши самара бераётганини барча кўриб турибди-ку. Қаранг, биздан фикр сўраган оқсоқолнинг ўзи замон билан ҳамнафас яшаётгани эъти-

борга сазовор. Шундайлар ҳамқишлоқлар, маҳалладошларга ўз қарашларини ўқтирсалар, қанақадан-қанақад одамлар тўғри хулосага келишади. Умуман, аҳоли билан ишлашда, уларга миллий истиқлол гоғларини сингдиришда ҳадеб марказдан борган воизларга сўз беравермасдан, айнан халқ ичида яшаётган одамларни кенг жалб қилиш, ҳаётий тажрибалари асосида сўз юритиш мақсадага мувофиқдир.

— Қишлоғимизда катта янгилик рўй берди, — дилдан айраб гапирди Аббор ака. — Мана шу юртинг обрўли оқсоқолларидан бири Мамадхўроллоев ташаббуси билан Ҳасан ота мақбараси туддан таъмирланди. Ҳар қачонгидан обод масканга айлантирилди.

Ҳа, Оллох назари тушган юртимизни ҳеч бир муболагасиз авлиёлар заминини дейиш мумкин. Ҳасан ота мангу кўним топган бу жойга неча асрлардан буён одамлар зиёратга келишади, лекин унинг кўркам ва файзли гўшага айланishi учун шу ерда яшаётган кишилар тафаккуринида бугунги ўзгаришлар керак бўлди. Илгари овлақ бир жойга ўхшаган кўнимгоҳ эндиликда ўз юрти, ўз Ватани обод бўлишини дилдан истайди, жозибадор масканга айланмоқда. Алоҳида дид ва илҳос билан терилган гиштин девор кўш нурида янада фусункор кўриниш олган. Ён атрофга ноёб фуқаро, манзарами дарахтлар экилган. Шу жойнинг ўзига қадам қўйган заҳоти кўнглингиз гуфур ва завққа тўлади. Бундай лаҳзаларда диллингизда эзу туйғур куртак очади. Бутун биз эришган манзиллар кечагидан улугвор эканлиги, эртанги кўнимиз янада нури бўлиши одамлар кўнглига мустаҳкам ишонч бахш этаёпти.

Фориш туманининг бир чеккасида жойлашган Ҳасан ота қишлоғи одамлари билан дилдан суҳбат қурганимизда кўнглимизда ана шундай уйлар уйғонди.

Шўхрат ЖАББОРОВ.

## Туйғу



ган одамлар саъй-ҳаракати тўфайли файзли, жозибадор масканга айланмоқда. Алоҳида дид ва илҳос билан терилган гиштин девор кўш нурида янада фусункор кўриниш олган. Ён атрофга ноёб фуқаро, манзарами дарахтлар экилган. Шу жойнинг ўзига қадам қўйган заҳоти кўнглингиз гуфур ва завққа тўлади. Бундай лаҳзаларда диллингизда эзу туйғур куртак очади. Бутун биз эришган манзиллар кечагидан улугвор эканлиги, эртанги кўнимиз янада нури бўлиши одамлар кўнглига мустаҳкам ишонч бахш этаёпти.



Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкни ташкил этиш тўғрисидаги Фармони билан мамлакатимизда микросармоялаш тизимининг яратилишига асос солинди. Ушбу банк устав капитали 15 миллиард сўм ва 50 миллион АКШ доллари миқдорда белгиланиши эса унинг тизимда ўз ўрнини эгаллаши, мижозларини топиб олиши учун муҳим замин бўлди.

Маълумки, «Микрокредитбанк» жамоаси зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, табиий ресурсларга бой бўлган узоқ қишлоқ ва овулларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига микрокредитлар ажратилиши, уларга кенг қўламадаги банк ҳамда консалтинг хизматларини кўрсатиши, микрофирмаларни, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантиришни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш шулар сирасига кирди. Шу билан бирга, микрокредитлаш қўламини кенгайтириш учун банк халқаро молия институтлари ҳамда етакчи банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини республикамиз кичик бизнесига жалб этиши лозим.

«Микрокредитбанк»нинг микрокредитлари ҳам аниқ миқдорда ва имтиёзли фоизларда белгилаб қўйилган. Улар қайси мақсадлар ва тадбиркорликнинг қайси турлари учун қанча миқдорда ажратилади? Бошлангич сармоя учун 18 ойга — хусусий ва оилавий тадбиркорларга, касаначиликни ташкил этувчиларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда; микрофирмаларга ва деҳқон хўжалиқларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорда; фермер хўжалиқларига энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорда микрокредитлар белгиланган.

Бу микросармоялар имтиёзли бўлиб, улар атиги 5 фоизлиқ. Кичик бизнес субъектларига эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдирishi учун (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида юқори бўлмаган фоиз ставкаларида) икки йил муддатда энг кам ойлик маошининг 500 баравари миқдорда микрокредит берилади. Одатда, кичик корхоналар ўз ишларини йўлга қўйиб, маҳсулотларига талабдорлар диворини аниқлашларидан сўнг саноат асосида ишлашга ҳаракат қила бошлайдилар. Бунинг учун турли дастхонлар, минн заводлар, замонавий жиҳоз ва ускуналар зарур бўлади. Шундай пайтда «Микрокредитбанк» ўз мижозига уларни олиб бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баравари миқдорига

ча микролизинг хизмати кўрсатади. Бу хизмат уч йилга мўлжалланган бўлиб, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоиз ставкаларида амалга оширилади. Айти кунларда ушбу миқдор 7 фоизни ташкил этади. «Микрокредитбанк»нинг бугунги фаолиятига назар ташласангиз, «Ми-

Чирокчи, Андижон вилоятидаги Куйганёр филиаллари ҳамда бошқа қўллаб бўлимларида мижозлар дилванларда дам олиб, навбатлари келгунига қадар телевизор томоша қилишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси банк ва мижоз ўртасидаги мулоқотлар яратувчилликни ривожлантириш нуктаи назаридан янги босқичга

дастурхонига 400 та туҳум етказиб берилапти. Сурхон воҳасининг чекка туманларидан бири — Сарйосиёдаги «Электротавтоматик» кичик корхонасига ҳам банк 5 миллион сўм микрокредит берган эди. Ҳозир мазкур корхонада ўн нафар ишчи кучи билан барча турдаги электр моторлари таъмирланиб, уларнинг симлари қайта ўралапти.

Эки бўлмаса, Қарши шаҳридаги «Ерқўрсонсавдо» ишлаб чиқариш корхонасини олиб кўрайлик. Бу жамоа «Микрокредитбанк»нинг сармояси ҳисобига Хитойдан целлофан қолча тўрайди. Уларнинг биттасида пластам-

қа тармоқларга йўналтирилди. Шахсий ёрдамчи ва фермер хўжалиқларига эса қорамол сотиб олиш учун 2,4 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди. Айти чоғда кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжалиқларига 2,7 миллиард сўм ҳамда микролизинг хизматлари кўрсатилади. Бу сармояларнинг 66,3 фоизи қишлоқ хўжалиқ техникалари учун, 14 фоизи тиббиёт, транспорт, компьютер ва матбаа хизматларини ташкил этиш учун, 13,4 фоизи ишлаб чиқариш ускуналари учун, 4,5 фоизи бино ва иншоотлар олиш учун ва 1,8 фоизи бошқа объектларни харид қилиш учун сафарбар этилди. Бугунги кунда банк томонидан ажратилаётган микросармоялар хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш билан бирга, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий-техника базасини шакллантиришга ҳамда мавжуд техникаларини янги ва замонавийлар билан алмаштиришга имкон яратмоқда.

Этиборлиси, берилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари эвазига республикамиз ҳудудларида 22 мингдан ортиқроқ иш ўринлари яратилди, жумладан, 6 078 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. «Микрокредитбанк» ўз олдида тадбиркорлар учун кўрсатаётган хизмат турлари савиясини янада юқорига кўтариш, уларнинг ҳамини кенгайтириш, фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини бир меъёрга, доимий ўстириб боришни мақсад қилиб қўйган. Шу йил 1 январь ҳолатига кўра, банк устав капитали 43,3 миллиард сўмни ташкил этгани бу мақсадга эришиш мумкинлигини исботлаб турибди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, «Бу борадаги бизнинг доимий вазифамиз — мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва роли илғимли ўсишни таъминлаш, 2007 йилда унинг янги ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50 — 52 фоизга етказишдан иборат», деб таъкидлади.

Бундай муҳим вазифани адо этиш учун «Микрокредитбанк»нинг таърибаси етарли. Чунки, айти кунларда ҳудудларда унинг 75 та филиали, 261 та минибанки ва 9 агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Мижозлар сони эса 120 мингдан ошиб кетди. Банк жамоаси бундан буён ҳам ўз сармояларини олис қишлоқлар ва овуллардаги оилалар учун ишончли даромад манбалари яратишга, касаначиликни ташкил этишга, хусусий ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга, фермер ва деҳқон хўжалиқлари фаолиятини кенгайтиришга, шу тариха қўллаб қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтириверади.

Банк матбуот хизмати.

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»: ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

жоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида ишлаётган янги микромолиявий муассасаси шаклланаётганига гувоҳ бўласиз. Чунки, бу жамоа ўз ишларини мижозлар даврасига кириб бориш ва улар билан учрашувлар ўтказиш билан бошлади. Айниқса, республикамизнинг барча туманларидаги ўз келажагини тадбиркорлик билан боғлаган хотин-қизлар билан мулоқотлар олиб борди. Жойлардаги ҳар бир маҳаллага микросармоялаш хизматларидан батафсил ахборот берадиган ёзма манбалар етказиб берилди. Банк агентлари томонидан маҳаллаларнинг раҳбарлари билан биргалликда чет қишлоқларда истикомат қилаётган меҳнатга лаёқатли кишиларда тадбиркорликнинг қайси тури билан шуғулланиш истаги борлиги ўрганилди. Шу тарзда олинган маълумотлар буйича муайян маҳаллаларни микромолиялаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди. Эндиликда ана шу дастурлар илғимли қилиниб, маҳсулотларига талабдорлар диворини аниқлашларидан сўнг саноат асосида ишлашга ҳаракат қила бошлайдилар. Бунинг учун турли дастхонлар, минн заводлар, замонавий жиҳоз ва ускуналар зарур бўлади. Шундай пайтда «Микрокредитбанк» ўз мижозига уларни олиб бериш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баравари миқдорига

кўтарилаётганидан далолат беради. Амалга оширилган ана шу сайёҳаракатлар натижасида ҳозирга қадар «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 33,5 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилиб микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Микросармоялар шарофати тўғрисида қўллаб оилалар соғин сиғирлар ва бошқа чорва моллари олишти, фермер хўжалиқлари оёққа турди, жойларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехлар очилиб, микрофирмалар ташкил этилди. Денов шаҳридаги «Биносоз Уста Олим» масулиятчи чекланган жамияти — шулардан бири. Бу жамият қурилиш материаллари ва уй-ўрғор буюмлари ишлаб чиқариш мақсадида банкдан 5 миллион сўмлик микрокредит олган эди. Шу маблағ ҳисобига қурилган цехда ҳозир турли рангдаги тунжа черепица, ок тунқали шифер, шпаклёвка, шунингдек, челақ, қарниз ва белкураклар тайёрланмоқда. Барча юмушларни 10 киши урдаламоқда.

«Микрокредитбанкнинг Жомбой бўлимида 5 миллион сўм сармоя олган тадбиркор Абдумажид Бўронов эса ўзининг икки сотиқчи ҳовлисидаги катакларга 500 донга товۇқчи парваришламоқда. Ҳар кун эл

са дончаларидан целлофан ўрами тайёрланади, иккинчисида ундан қул ясалади, учинчисида эса қолларга гол босилади. Хомашё — пластмасса дончалари эса «Шўртангазим» комплексида олинмоқда. Қашқадарё вилоятида бундай корхоналар қўллаб топилади. Шу боис «Микрокредитбанк»нинг Қашқадарё филиали Ўзбекистон Республикаси Президентини қўллаб оилалар соғин сиғирлар ва бошқа чорва моллари олишти, фермер хўжалиқлари оёққа турди, жойларда маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехлар очилиб, микрофирмалар ташкил этилди. Денов шаҳридаги «Биносоз Уста Олим» масулиятчи чекланган жамияти — шулардан бири. Бу жамият қурилиш материаллари ва уй-ўрғор буюмлари ишлаб чиқариш мақсадида банкдан 5 миллион сўмлик микрокредит олган эди. Шу маблағ ҳисобига қурилган цехда ҳозир турли рангдаги тунжа черепица, ок тунқали шифер, шпаклёвка, шунингдек, челақ, қарниз ва белкураклар тайёрланмоқда. Барча юмушларни 10 киши урдаламоқда.

Бундай муҳим вазифани адо этиш учун «Микрокредитбанк»нинг таърибаси етарли. Чунки, айти кунларда ҳудудларда унинг 75 та филиали, 261 та минибанки ва 9 агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Мижозлар сони эса 120 мингдан ошиб кетди. Банк жамоаси бундан буён ҳам ўз сармояларини олис қишлоқлар ва овуллардаги оилалар учун ишончли даромад манбалари яратишга, касаначиликни ташкил этишга, хусусий ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга, фермер ва деҳқон хўжалиқлари фаолиятини кенгайтиришга, шу тариха қўллаб қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтириверади.

Банк матбуот хизмати.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Депутатлар маъмуриятга қарши



АҚШ Конгрессидagi демократлар мамлакат президентини Жорж Буш маъмуриятининг Европа ҳудудига ҳаво ҳужумига қарши мудофиа тизимини жойлаштириш режасига қарши чиқаришда. «Ок уй» Конгрессдан Польшада бундай тизимни жойлаштириш учун 160 миллион доллар маблағ сўрапти. Парламентнинг тегишли қўмиталарида ушбу масала муҳокама қилинган сўнг, овозга қўйилганда, аксарият депутатлар буни қўллаб-қувватлашмади.

### Қочоқ аскарлар қўлга тушди

Қубада икки аскар ҳарбий қисмдан қочиб, автобусни йўловчиларга билан гаровга олишган. Улар автобусда Гавана аэропортига етиб олишни мўлжаллашган ва у ерда самолётни эгаллашга ҳаракат қилишган. Бу ҳақда мамлакат Ички ишлар вазирлиги маълум қилди. Қочоқ аскарлар ушланиб, қамоққа олинди.

### Истеъфо талаб қилишмоқда

Тель-Авивда ўн минглаб одамлар Исроил Бош вазир Эхуд Ольмерт истеъфосини талаб қилиб, намойиш ўтказишмоқда. Митинг ташкилотчиларнинг билдиришича, норозилик намойишларида 100 минг нафар одам иштирок этапти. Митинг қатнашчилари Бош вазирни мамлакат тақдири билан боғлиқ ўта мураккаб вазиятларда маслаҳатчилари фикрини инобатга олмасдан, ўзи мустақил қарорлар қабул қилганликда айбонлади. Хусусан, ўтган йил 8 ойда Ливаннинг «Ҳизбаллох» гуруҳига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар самарасиз яқунланган. Айти пайтда махсус комиссия ушбу урушда Эхуд Ольмертнинг қандай йўл тутганлигини ўрганиб чиқаяпти. Комиссия ҳисоботи шу йилнинг 8 ойларида эълон қилинади.

### Йилнинг машҳур кишилари

«Time» журнали ҳар йилгидек аънанавий Ер сарёрасининг энг машҳур 100 нафар шахслари рўйхатини эълон қилди. Охириги тўрт йил мобайнида биринчи бор АҚШ Президенти Жорж Буш рўйхатдан ўрин эгаллаш олмади. Мазкур рўйхатга таниқли актёрлар, чемпионлар ва санъат олами намояндалари киритилган. Сийасатчилардан Рауль Кастро, АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс, Германия канцлери Ангела Меркел, Буюк Британия Қироличаси Елизавета II ҳамда Исроил ташқи ишлар вазири Ципи Ливнилар юзликдан жой олган.

### Сариқ денгизда «қора олтин» топилди

Сариқ денгизнинг Бохайвань қўлтигида қарий бир миллиард тонналик захирали нефть қони топилди. Бу ҳақда Хитой нефтьгаз миллий компанияси журналистларга маълум қилди. Мазкур ҳудудда охириги 40 йил мобайнида худди шундай бешта қон топилган. Компания вакилининг сўзларига кўра, Бохайвань қўлтигида 9 миллиард тонналик нефть захираси мавжуд. Мазкур қоннинг топили-

Хорж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

### «ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ-МАТБАА МАРКАЗИ

ТАКДИМ ЭТАДИ!

«Дунё адабиёти хазинасидан», «Заковат дурдоналари», «Еш оналар мактаби», «Нафосат олами», «Муваффақият қалити», «Болалар ва ўсмирлар адабиёти» ва бошқа ранг-баранг жанр, рукн ва ном остидаги китоблар.

ЯҚИН КУНЛАРДА:

Д.Браун «Да Винчи сирин», Цицерон «Нотиклик санъати ҳақида икки рисола», И.Гёте «Еш Вертернинг изтироблари», Мопассан «Азизим» китоблари, шунингдек, «Русча-ўзбекча лугат», «Пазанда китоби», «Сиз, сўзсиз, гўзалсиз» тўпламлари.

«Янги аср авлоди» навқирон авлод ва маънавият хизматида.

Шундай экан ўзингизни қизиқтирган ва қидирган китобларингизни арзон нархларда ва сизга қулай тўлов усулида «ЯНГИ ДАВР КИТОБЛАРИ» КИТОБ ДУКОНИДАН харид қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., «Қатортол» к., 60-уй (Мулжал «Қатортол» савдо маркази ёнида). Телефонлар: 128-78-43, 173-62-71.

### Хурматли ота-оналар!

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

сизларни 2007 йил 8 май куни ўтказиладиган «ОТА-ОНАЛАР КУНИ»га таклиф этади.

Таширфингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамыз.

Манзилимиз: Кичик ҳалқа йўли, 7-уй, институт бош биноси. Маълумот учун телефонлар: 134-32-04, 134-55-37, 135-74-09. www.tfi.uz

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 21 АПРЕЛДАГИ ПҚ-330 СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИ УЧУН ИНВЕТОРЛАР ВА БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ УЧУН ИНВЕТОРЛАР ВА БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Корхона номи	Юридик манзили	Ишлаб чиқарадиган маҳсулот	Лойиҳавий қуввати (йилига)
«Намангантэкстиль» АЖ	Наманган вилояти, 716032, Наманган шаҳри, 4-микротуман	Пахта толасидан калава ип, дағал ва тайёр газламалар, тўқилмаган мато	а) 6,3 минг тонна калава ип б) 12,3 млн. метр дағал газлама; в) 28,5 млн. метр тайёр газлама; г) 352 минг метр тўқилмаган мато
«Хазорасп Текстиль» МЧЖ	Хоразм вилояти, 741800, Хазорасп шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 45	Пахта толасидан калава ип	~3,5 минг тонна калава ип

Танловда юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Бунинг учун уларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда ўзлари давлат рўйхатидан ўтган мамлакат қонунчилигида танлов савдоларида қатнашиш ёки тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бу корхоналарни бошқариш фаолияти билан шуғулланиш тақиқланмаган бўлиши шарт.

Давоғар бўлган корхоналар танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб беришлари керак, хусусан:

- Юқорида кўрсатилган корхоналарнинг мулкий комплексини сотиб олишни истовчи инвесторлар:**
  - тўқимачилик корхоналари билан камида уч йиллик муваффақиятли иш таърибасига, жумладан, ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотини халқаро бозорда сотиш таърибасига эгаллигига;
  - ҳозирги вақтда тўқимачилик тармоғида муваффақиятли ишлаётган, ўз ишлаб чиқариш характерида кўра танлов объектига ўхшаш бўлган, асосан, экспорт учун маҳсулот чиқарадиган камида битта корхонага (ёки унинг акциялари назорат тўпламига) эгаллигига;
  - танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда корхонани сотиб олиш имконини беворчи барқарор молиявий аҳволдалигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари зарур.
- Юқорида кўрсатилган корхоналарнинг биттасини ёки бир нечтасини ишонч асосида бошқаришга олишни истовчи бошқарувчи компаниялар:**
  - тўқимачилик корхоналари билан камида уч йиллик муваффақиятли иш таърибасига, жумладан, тўқимачилик маҳсулотларни халқаро бозорда сотиш таърибасига эга акцияларини ишбтлашлари;
  - корхонани бошқаришнинг ишлаб чиқилган дастлабки бизнес-режасини тақдим этишлари керак.

**Бу бизнес-режада қуйидагилар кўзда тутилган бўлиши зарур:**

- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини босқичма-босқич камида 85%га етказиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 80%ини экспорт қилиш;
- танлов ҳужжатларида тақдим этилган графика мувофиқ, банк кредитлари бўйича муддати ўтган ва жорий мажбуриятларни бажариш;
- ишонч асосида бошқаришнинг биринчи йили мобайнида корхона ишидан фойда ола бошлаш;
- корхонани зарур ҳажмдаги оборот маблағлари билан таъминлаш.

- Танловда қатнашиш истагини билдирган инвесторлар олдида қуйидаги умумий талаблар ҳам қўйилади:**

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2007 йил 22 май куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Шайхонтоҳур тумани суд ижроичилари бўлинимаси томонидан 1632-34/3-сонли ижро ҳужжатида асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй манзилидаги АТ «Пахтабанк» ҳовлисида сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АХ 709 бўлган «НЕКСИЯ-ДОНС» рўсумли автотранспорт воситасини қўймоқда.

Бошлангич баҳоси — 9 536 200 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижроичилари бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альянс» минн банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризалар ва бадал пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

«O'zbtbtehnika» масулиятчи чекланган жамияти «Кетгут-Силк» акциядорлик жамияти Низоом жамғармасининг 32,49 фоизини ташкил этувчи, 3275 донга оддий ағаси ёзилган нақдсиз акцияларини сотиб олишни мўлжалламоқда.

Эмитент манзили: Тошкент вилояти, Қирғай тумани, Геофизика кўрғони. Телефон: 643598.

# ОЛАМ САЙҚАЛИ



## Самарқанд. Сирли нигоҳ.

Самарқандни кезсанг, ажиб синоат,  
 Елканга кўйгандек кимдир кафтини —  
 Хис қилверасан бетиним, бот-бот,  
 Бир сирли нигоҳинг илиқ тафтини.  
 Бу не ҳол? Не юмуш бажардинг, деган  
 Ялангтўш Баходир сўроқларими?  
 Ё энг олис юлдуз катига етган  
 Улуғбекнинг тийрак нигоҳларими?  
 "Бизлар қурган эдик, шукр, болалар  
 Тошоша-сайрга яраб турибди" —  
 Уятдан ёноғи бўлиб лолалар —  
 Балки Бибиҳоним қараб турибди.

Хар қалай шунчаки кўзлар эмас бу,  
 Юракка етгудек сеҳри бор ўшар.  
 Тилиб Алишербек лабида кулгу,  
 Усмирнинг самимий меҳри бор ўшар.  
 Хар замон бир зотнинг замони бўлган,  
 Хирийда Шайбоқнинг бузларими бу?  
 Фирдавмонанд шаҳар армони бўлган  
 Бобурбекнинг ўткир кўзларими бу?  
 Син солиб термулар бир соҳир нигоҳ:  
 "Кимсан? Матлабинг не? Сўйла, гофил кас?"  
 Йўқ, Темур кўзлари эмас бу, иллоҳ, —  
 Темур нигоҳига бардош топилмас!

## Гўри Мир. Гумбазлар.

Гумбаз қрибидга яна бир гумбаз.  
 Хеч ерда учрамас бундай ёдгорлик.  
 Хавога минг йилга бардош берса, бас —  
 Не боис бу қадар эҳтиёткорлик?  
 Биров дер, кичиғи таянч бўлгандир  
 Маҳобатли гумбаз курмоғи учун.  
 Биров дер, усталар хисоб олгандир  
 Харорат мўстадил турмоғи учун.  
 Булар бор гап, аммо моҳият бошқа,  
 Теран етиб борган мантқиқамир:  
 Саид Баракани кўтариб бошга  
 Ўзига пойтақдан жой олмиш, ахир!  
 Зариф нақши нигор ички гумбазда,  
 Қоиб ҳам мустаҳкам ёмғирга, селга.  
 Ташки кўринишдан айрича бизда  
 Кўнгилга эътибор устун, кўнгилга!  
 Сиз суваратга тушинг кошини силаб,  
 Эсдаликка далил — расмлар етар.  
 Ичкарида сизга омонлик тилаб  
 Мунис мусичалар тиловат етар.  
 Қалбингизга эриб кириб борар нур,  
 Фақат абад қолгай руҳ ва эзу ном.  
 "Иймонинг авайла!" — буорар Темур,  
 "Қалбинги асрагил!" — ўргатар Исмо!



## Буюк Инак йўли

Қумлар сочиб, йўл очиб, тасбеҳдек қарвон ўтар,  
 Туяларда чайқалиб давр ўтар, даврон ўтар.  
 Мушкни мурча, гуручни адрасга айирбошлаб,  
 Алакни бўзга, бўзни атласга айирбошлаб,  
 Гоҳида инсоф билан, гоҳида иймон билан,  
 Олмонларда қўлма-қўл Самарқанд қоғозлари.  
 Бирда алдаб, бирида гафлатда қолиб ўзи,  
 Гоҳ йўлдан, гоҳида ўздан нолиб ўзи,  
 Турфа либос, дил билан турли қарвонлар ўтар,  
 Нортуя одимдек вазмин замонлар ўтар.  
 Сахро — улкан кумсоат. Қор тўқилар оқ кумдай,  
 Тужжорнинг насибаси гоҳи заҳар-заққумдай,  
 Лекин Инак йўли бу — ҳақ йўли, урфон йўли,  
 Инсоният жисмида жон йўли бу, қон йўли.  
 Шу йўл боис Румода чиний жарангослари,  
 Олмонларда қўлма-қўл Самарқанд қоғозлари.  
 Хуржуннинг бир кўзида халво-ю новвот кетар,  
 Бир ёнда Самарқандий китобу довот кетар.  
 "Адолат сари юргил, юзланган илм томони!" —  
 Дуога жуфтланган кафт, ҳовуч каби Регистон.  
 "Олам симобдек титрар, ўзиндан бўлгил оғоҳ!" —  
 Кўз юммас Шоҳи Зинда — абадий барҳаёт шоҳ.  
 Қанча савдогар бунда эл бўлиб қолиб кетган,  
 Кетганлари маърифат, маърифат олиб кетган.  
 Вале Буюк қарвоннинг юмуши битгани йўқ,  
 Хануз йўлдадир, хануз манзилга етгани йўқ.

## Расадхона. Улуғбек юлдузи.

"Темурхон наслидин султон Улуғбек" ...  
 Юракка чўғ солар учган юлдузлар.  
 Фонус теграсида парвоналардек  
 Ой тўғарағида гўжон юлдузлар.  
 Коинот — ақлга абадий сўроқ,  
 Тафаккурга мангу қийноқ — коинот.  
 Салтанат тизгинин силтаб турган чоғ  
 Султон нега кўкка солар бетин от?  
 Фақирми, сандими, хўжа ё вали  
 Бу юрда самони кўзлаган мудом.  
 Осмон билан ёлғиз қолган маҳали  
 Ўзининг юлдузин излаган мудом.  
 Бибиҳоним кўчиб кичик Мирзони  
 Бобонгиз дунёни олди, дегандир.  
 Эрқалаб кўрсатиб ўлғи самони  
 Сизга сайёралар қолди, дегандир.  
 Акс этмаган "Зижи Кўрагоний"да  
 Улуғбекнинг порлоқ тольё юлдузи.

Дерлар, гард бўлмаса дил, иймониди  
 Юлдузини кўргандир хатто кундузи.  
 Яшириб не қилдим: фалақда эмас,  
 Заминнинг ўзида юлдузини кўрдим.  
 Озод сунбулага томири пайваст  
 Усмирнинг кўзида юлдузини кўрдим!  
 Ўзбегим, дунёга шоҳ бердинг, ажаб —  
 Шоҳлар олим чикди, олам тоб бўлди.  
 Кимлар юлдузини тоғди сен сабаб,  
 Кимга илму шаҳдинг қўшқанот бўлди.  
 Улуғбек юлдузин кўрдим — қалқди ёш,  
 Тонгда тиллоланиб кетди осмоним:  
 Қалбимга бобомдек кўр тукди кўеши —  
 Бу — сенинг юлдузинг, Ўзбекистоним!

\*Алишер Навоий сатри

## Шоҳи Зинда. Садо.

"Сўйлагин жонларга оловлар ёқиб,  
 Сухбатдошинг гавҳар тергандек бўлсин.  
 Лутфу қарамингга, завқингга боқиб,  
 Ҳазрат Навоийни кўргандек бўлсин!"  
 Шунчаки бир миллат эмасмизу биз,  
 Иймонинг тош-метин кўргондек бўлсин.  
 Сенинг суҳбатингга бурар чоғи юз  
 Ҳазрат Нақшбандни кўргандек бўлсин!  
 Хар кимда халқининг гурури, шаъни,  
 Ёв кифтида ари юргандек бўлсин.  
 Сенга қараб, шерни кўргандек, яъни —  
 Ҳазрат Бобурбекни кўргандек бўлсин!  
 Кўксингга тиг уриб этмасин яра,  
 Ҳезланса, худойим ургандек бўлсин.  
 Утли кўзларингга, бастингга қараб,  
 Ҳазрат Темурбекни кўргандек бўлсин!"



## Ҳазрати Хизр мақбарасида

Шундай ривоят бор эл орасида:  
 Яъни, Хизр бува — қароматгўй зот  
 Гоҳи дўст, гоҳ ота қиёфасида  
 Йиғинга икки бор келтирар имдод.  
 Хизрни таниса, қўлидан тутса,  
 Ганимлар чекинар, бахти қулади.  
 Мушкуллар енчилар, кетади гўсса,  
 Қазо солиғидан дархон бўлади.  
 Даврон шамоллари йинди булутни,  
 Халқим сел-дўлларда зор-зор суринди.  
 Чакмоқ ярақлатди шамшир, совутини —  
 Темур тисолида Хизр кўринди!  
 Элим наҳот тоғди, завол терс бўлди,  
 Беклик давлат бўлди, давлат — салтанат.

Бизга қараганнинг толеи қулди,  
 Аъмолимиз бўлди лутфу марҳамат.  
 Бирок... Қажрафтор  
 чарх айланиб чаппа,  
 Қондошлар ичига ташлади нифоқ,  
 Залолатга ботди  
 эл-улус ёппа,  
 Хурофотга ботди яна баттарроқ.  
 Пароканда давлат — тувқосиз қозон,  
 Эринмаган шоқол тегиниб ўтди.  
 Қонга қон деб қилич солди хонга хон,  
 Хонга жон деб, элат эгилиб ўтди.  
 Шу тахлит йилларни емирди ойлар,  
 Икки бошли бургут жигарми ўйди.

Улуғ салтанатни пажмурда айлаб  
 Қилич билан кесиб, чегара қўйди.  
 Тангри инояти — тангри раҳмати,  
 Таназул топмағай темирини миллат.  
 Зое кетмас уйғоқ фарзанд захмати,  
 Истибоддод охири ҳалокат, зиллат.  
 Миллатга эрк берди Буюк ҳалоскор,  
 Темурбек вориси, фидойи даҳо!  
 Темур боғларига қайтди шан баҳор,  
 Темур тоғларини силади само!  
 Эй, халқим, жақоғаш, жабрдийда халқ,  
 Кечмишинг эртаққа йўлиб юборма.  
 Хизр бармоғини тутганлигинг ҳақ,  
 Хеч қачон бу қўлни қўйиб юборма!



Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири.

## Спорт

### Финалда «Ливерпуль» ва «Милан»

Италиянинг "Милан" жамоаси Европа чемпионлар лигаси ярим финал жавоб учрашувида Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоасини йирик — 3:0 ҳисо-

бида доғда қолдириб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Тўпларни Кака, Кларенс Зеддорф ва Альберто Жилардино киритди. Эслатиб ўтамиз, биринчи учрашувда

"Манчестер Юнайтед" 3:2 ҳисобда зафар қўчган эди. Демак, 23 май кўни Афина шаҳрида бўладиган финал учрашувида "Милан"-"Ливерпуль" жамоалари майдонга тушади.

УЕФА кубоғида ҳам финалчилар номи маълум бўлди. 16 май кўни Глазго шаҳрида ўтадиган турнирда Испаниянинг икки жамоаси "Севилья" ва "Эспаньол" кубок учун майдонга тушадиган бўлди.

## КИЙИМ ҚИММАТМИ ЁКИ АВТОМОБИЛЬ?

Японлар ўз қадриятларига, урф-одатларига қатта ҳурмат билан қарашади. Хусусан, япон аёлларининг миллий кийими ҳисобланмиш кимоно ондан қиз фарзандга мерос қолдирилади. Қаранг-ки, бу мўъжаз кийимни кийишининг ҳам ўзига хос қонун-қондалари бор экан. Бу борада Японияда махсус ихтисослашган мактаблар фаолият олиб бормоқда.

"Кимоно" сўзи япон тилидан таржима қилинганда "кийим" маъносини ифода қилади. Қадимда бу либос эни ва бўйи узунлиги бир хил бўлган матодан қўлда тайёрланган. Моҳир кўлар ёрдамида кимонога антиқка бе-зак берилгани учун ҳам у жуда қим-матбаҳо либос ҳисобланган. Шу боис ниҳоятда асраб-авайлаб кийилган. Кўнчкар юртиликларнинг бу бежир-лим либоси ўн икки қисмдан иборат бўлади. Бу қисмларни алоҳида дид билан таллаб олиб, сўнг кийиш ло-зим. Бугунги кундаги замонавий ус-тудда тайёрланган кимоноларда ҳаракатланиш у қадар қийинчилик туғдирмайди.

Кимононинг кўплаб кўринишлари мавжуд. Масалан, уйда ёки меҳмон-да асосан юката — енгил ва юпка матодан ишланган кимоно кийилади. Шунингдек, арзон, қилишиши осон, яхши ҳаво ўтказувчи бу либос япон қизларининг байрамона тадбирлар-да қиядиган энг севимли кўйлагидир. Айрим кимоноларнинг баҳоси ҳатто автомобиль нарҳига тенг. Хуллас, япон кимоносини нафақат миллий кийим, балки ўзига хос санъ-ат асарини сифатида ҳам қўпчиликда қизиқиш уйғотади.



Юлдаз РИЗАЕВА.

## Халқ сўзи Народное слово

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:  
 Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
 Котибиат 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
 100000, ГСП,  
 Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
 Навбатчи котиб — А. Орпов.  
 Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.  
 Навбатчи — Ш. Ортоқов.  
 Мусавхарчи — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА акция — 20.40 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5